Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
27-avgust,
shanba

№ 103-104
(3765)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ҚАРОРИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма беш йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2016 йил 4 сентябр якшанба дам олиш куни 2016 йил 2 сентябр жума кунига кўчирилсин;

2016 йил 4 сентябр якшанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 26 август

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»**

**Ачилов Илхом Каландарович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи

**Аюбов Улугбек Толаганович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедрасининг катта ўқитувчиси

**Ёдгоров Холмўмин Бувробоевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судяси

**Жалолов Бахтиёр Одилович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Окюлов Оманбай** — Тошкент давлат юридик университети «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедрасининг профессори

**Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Шамсутдинов Бахрам Абдуллаевич** — Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси давлат солиқ бош инспектори

**II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдинабиев Шавкат Азадбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмати бошлиғи

**Абдуюсупов Мурод Абдурахимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Алиев Шухрат Хасанович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Исмоилов Ойбек Ортикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Хамраев Азиз Сирожиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуганиев Бахтиёр Ермахаматович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Марказий божхона лабораторияси бошлиғи

**Максудова Гулбахор** — Тошкент юридик коллежи «Конституциявий ҳуқуқий фанлар» кафедрасининг ўқитувчиси

**Рахматов Эркин Облобердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи

**Салимов Азиз Халимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портлаш техникаси экспертиза маркази бошлиғи

**Цой Эдуард Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг биринчи ўринбосари

(2).

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда



## Ўзбекистон — мутахассислар мамлакати

*Пойтахтимизда «Ёш мутахассислар» IV республика форуми бўлиб ўтди*

**Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқ 22-24 август кунлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» ҳамда «Энг яхши ишчи касб эгаси» танловларининг ғолиблари иштирокидаги «Ёш мутахассислар» IV республика форуми ўтказилди.**

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган мазкур тадбирда қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида меҳнат килиб, ўз инновацион ғоя ва ишланмаларини илгари суриб келаётган фаол ва ташаббускор ёш мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**ИСТИҚЛОЛ БАРЧАМИЗНИНГ БАХТИМИЗ**

*22 август.*

Форум иштирокчилари Тошкент вилоятида жойлашган «Бўстон» санаторийсида кутиб олинди.

Шундан сўнг мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган «Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» мавзусида таниқли санъаткорлар, ёш мутахассислар, санаторийда соғлигини тиклаётган отахону онахонлар ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирокида маданий тадбир ташкил этилди.

— Тинч ва фаровон юртимизга шундай тадбирлар ярашади. Кўзлари ёниб турган ёшларимизнинг, фарзандлари роҳатини кўриб, мириқиб дам олаётган нуронийларимизнинг бахтли чеҳрасига бир қаранг. Ҳақиқатан, ёшларимиз барча жабҳада ташаббус кўрсатиб, ўз иқтидорини намоён этмоқда. Фарзанди ютуғидан мамнун оналарнинг чеҳраси эса қувончдан порлаб турибди. Бундай бахти бутун, бағри бутун халқни қайдан топасиз, — дея дил сўзларини ифодалади Ўзбекистон халқ артисти Муқаддас Холиқова.

(4-5).

Обод манзиллар

## «Афросиёб» Бухорода



*Энг улуғ ва энг азиз байрамимизнинг 25 йиллигини нишонлаш арафасида Бухорода яна бир тантанали тадбир бўлди. Тошкентдан йўл олган юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электр поезди илк марта кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоронинг бош темир йўл бекатига етиб келди.*

Замонавий поездда ташриф буюрган пойтахтлик соҳа вакиллари ва йўловчилар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Меҳмонлар ғоят қисқа муддатда бунёд этилган муҳташам қўшқаватли янги вокзал биноси, унга ҳамоҳанг тарзда барпо этилган қўшимча хизмат иншоотларини, мафтункор фаввора ва бошқа бунёдкорлик ишларини кўриб мамнун бўлишди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги салкам бир ярим йил ичида мазкур йўналишда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари мустақиллик солномасида ўчмас из қолдирган тарихий воқеага айланди. Аниқроғи, Президентимизнинг 2015 йил 26 мартдаги «Самарқанд — Бухоро темир йўлини электрлаштириш ва юқори тезликдаги йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосий дастуриламал бўлди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида «Самарқанд — Бухоро» йўналишидаги мавжуд линия йўлларини реконструкция қилиш, янги «пўлат из»ларни ётқизиш ҳамда электрлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилди.

(3).



Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

**Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигига бағишлаб «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар Тошкент вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда.**

## Кўнгилларга қувонч улашиб



Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Қибрай туманидаги Дўрмон маданият саройида ўтказилган тадбирда меҳнат фахрийлари, турли соҳаларда меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзолари, фаол ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

(3).

Ishonch 2016-yil 27-avgust, shanba, № 103-104 (3765)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(1).

**Шерйигитов Мамаюсуб Мамадиярович** — Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди судяси

**Шиголев Евгений Станиславович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

**Югай Станислав Валерьевич** — Қорақалпоғистон Республикаси фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

**«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абиджанов Камолиддин Абдукахорович** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Байбабаев Собиржон Азимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Гафуров Абдурашид Абдумажидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи мутахассиси

**Зиямухамедов Руслан Исломжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси штурмани

**Ибадуллаев Атабек Сапабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи

**Махмудов Фазлиддин Хомитович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Муханов Бахрам Вахабович** — Давлат божхона қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғи

**Хусанов Ғанишер Умаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг гуруҳи взвод командирининг ёрдамчиси

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдреимов Расул Жумабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдувалитов Ермахамед Буранович** (марҳум) — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси «Қўриқлаш» бошқармаси алоҳида батальони отряд командирининг ўринбосари

**Абдурасулиев Толибай Исатдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Алланазаров Карим Рахмонкулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Арзикулов Илхомжон Низомиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмаджонов Латибжон Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахроров Обид Олимхонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Буранов Акмал Иргашевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Бутаяров Нурали Жанкабилович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Енсепбаев Абдирейим Каражанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жалилов Санжар Акбарович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Каллибеков Саламат Кеунимжаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Каримов Жахонгир Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Киличев Фахриддин Ибройимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони бошлиғи ўринбосари

**Кузиев Бахтияр Садикжанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маджидов Азим Каххарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Максудов Нуриддин Насириддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Махаматов Сардор Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Махкамов Валижан Яхияматович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармасининг ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди командаси бошлиғи

**Махкамов Сахобжон Комолович** — Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди гуруҳи командири

**Мирзаев Шухратжон Абдуманобович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг бўлими катта офицери

**Назаров Алишер Махмудович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

**Одилов Бахтиёр Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Очилов Абдураззок Холмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Примов Санжарбек Шавкатович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Рахмонов Жавлонбек Махамаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Қамчиқ» махсус қидирув-қутқарув бошқармаси гуруҳи командири

**Сатторов Жасурбек Абдугафурович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Таджиев Равшанжон Закирджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Темиров Собир Ғуломович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Тиловов Дилшод Баходир угли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм звено командири

**Тошбоев Содик Донакулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тураев Мухаммадхон Аюбхонович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

**Турсунходжаев Искандар Саидиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ураков Юсуф Абдуназарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғининг ўринбосари

**Хаиров Шакир Фаридович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Хакимов Рустам Нематович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хамдамов Хуршид Хамидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Хамидиллаев Абдухалил Соходуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи мутахассиси

**Холмирзаев Зойир Файзуллаевич** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта йўриқчиси

**Хужакулов Хамза Тураевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Шарапов Малик Ганиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шаропов Рустам Юлчивоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси мутахассиси

**Юсупов Джохонгир Нодирович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдумуминов Махмуд Менгтураевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Акбаров Санжар Акбар угли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Алимов Шерзод Боходирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бегматов Шерзод Нурматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Бойболаев Хотамжон Хасанбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Боймуротов Содиқ Роззиқович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ бош инспектори

**Валиев Комолиддин Убайдуллаевич** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Джураев Жамшид Раимджанович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Қодиров Ғайрат Абдуқаххорович** — Тошкент вилояти Бўка тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Кожаметов Парахат Даулетбаевич** — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармасининг бошлиғи

**Кучкоров Уткир Амонбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамажонов Зухридин Ахмаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Матмуротов Маъруфжон Мухамадалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Мирзаев Шерзод Гофуржонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирсаатов Одилжон Мирхомитович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Морено Станислав Леонардович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фелдъегерлик хизмати катта офицери

**Музафаров Туроб Мухитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

**Муминов Шерзод Кувандикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бўлими бошлиғи

**Мухтаров Фуркат Шахобидинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби катта инспектори

**Назиров Бехзод Жўрамирзаевич** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Нарбаев Нуриддин Хамиджанович** — Тошкент вилояти Чиноз тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Нарбаев Алишер Тухтаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Нишанов Латиб Гуломидинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармасининг бошқармаси бошлиғи

**Носиров Санжар Носирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони бошлиғи

**Нуритдинов Хусниддин Норпулатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлими бошлиғи

**Нуруллаев Арзикул Журакулович** — Тошкент тиббиёт академияси қошидаги Ҳарбий-тиббиёт факултетининг кафедраси бошлиғи

**Пак Вячеслав Юревич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Парпиев Одилжон Азадович** — «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси «Тошкент халқаро аэропорти» чегара божхона пости бошлиғи ўринбосари

**Пилипенко Дмитрий Васильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ хизмати бошлиғи

**Пулатов Бобомурод Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги

**Рахманов Уктам Рамазанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Ризоев Камолжон Миржонович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази бошлиғининг ўринбосари

**Сагатов Абдулла Фаттахович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Саидкаримов Саидлазиз Саидасилович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Сафаров Шерзод Муратович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бош илмий ходими

**Таджиев Эркабай Аминович** — Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари

**Тоиров Азизжон Икромович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси бўлими бошлиғи

**Тухтаматов Равшан Холматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Санитар-эпидемиологик назорати маркази бошлиғи — бош санитар шифокори

**Тухтасинов Казимжон Косимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Умаров Отабек Улугбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи катта мутахассиси

**Ўрмонов Қахрамонжон Кобилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Хазиев Амир Рауфович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ хизмати бошлиғи

**Хамраев Каххор Муминович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бўлими бош мутахассиси

**Холиков Тулкин Уракович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Чариев Рустам Жумаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шайманов Уткир Хамраевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Шониятов Шохобиддин Шоюсупович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бўлинмаси бошлиғи

**Эгамбердиев Бахтиёр Нумонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони штаби бошлиғининг ўринбосари

**Юсупов Шухрат Набиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факултети бошлиғининг ўринбосари

**Якубов Фарход Боходирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Аберкулов Шавкат Эшимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи

**Адашбекова Рано Шадмановна** — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар прокуратураси катта нозири

**Акбаров Хаётбек Рахмонжонович** — Андижон вилояти Адлия бошқармаси нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бўлими бошлиғи

**Ахмедов Азизбек Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи командири

**Бахронов Фируз Мирзокулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Бекмуратов Комилбек Кабилбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ботиров Равшанбек Ривожидинович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати отряд милиционери

**Дадаходжаева Барно Кочкаровна** — Тошкент шаҳар прокурорининг кадрлар бўйича ёрдамчиси

**Джалилов Дилшодбек Ганижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти гуруҳи командири

**Джураева Лайло Раимовна** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар адвокатлик фирмаси адвокати

**Джураева Комила Гафуровна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академияси «Информацион технологиялар» кафедрасининг мудири

**Душанов Комил Баходирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Едгаров Нодир Шокиралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Ермекбаев Нурлан Бегалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штабининг бошқармаси бош муҳандиси

**Жаббарбергенов Досберген Туримуратович** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Жамонкулов Жавлонбек Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи назоратчиси

**Зияев Нарзулла Нематович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилояти Жомбой тумани автомбил мактабининг катта устаси

**Исмаилов Дилшод Уктамович** — Сирдарё вилояти Сардоба тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Истамов Нодиржон Искандарович** — Бухоро вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг радиацион ва кимёвий муҳофаза бўлинмаси бошлиғи

**Ишонкулов Акрам Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Қаххоров Фаррух Бахтиёрович** — Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази директорининг илмий ва машқ ишлари бўйича ўринбосари

**Кодиров Илхомжон Абдусаттарович** — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Кулмонов Азамат Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командири

**Кўнгратов Мирзохид Шарапуллаевич** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи

**Маматкулов Жамшит Олимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович** — Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди судяси

**Матмуратов Ихтияр Жалгасович** — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судяси

**Мирзаев Акрам Мингнорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Мирзаев Фарход Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирзахакимов Отамирза Абдумажитович** — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Мирсафаев Джахонгир Сирожиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кадрлар бошқармаси бошлиғи

**Муродов Мухриддин Қиёмиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи назоратчиси

**Мустафакулов Шавкат Наркулович** — Сирдарё вилояти Гулистон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Мухаммадиев Актам Зайниддинович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Набиев Азизжон Абдисамиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлими бошлиғи

**Нарматов Юлдашали Сотвалдиевич** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ўқув спорт-техника клубини методист-инструктори

**Насридинов Дилшод Улмасович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Негматова Дилафруз Хусановна** — Самарқанд ҳарбий-академик лицейининг ўқитувчиси

**Низамов Фазлихон Сафарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедраси доценти

**Рахимов Жахонгир Чориевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Рахматов Жасур Джамшерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

**Рустамов Баходир Холмирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Савелева Лариса Владимировна** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

**Салоҳидинов Икромжон Олимжонович** — Фарғона вилояти Қўштепа тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Сангиров Максиммурот Махрамович** — Жиззах вилояти Бахмал тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

**Таирова Мадина Акбаровна** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси мудирининг ўринбосари

**Тўраев Рўзим** — Хоразм вилояти Шовот тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

**Турғунова Нодира Мухтаралиевна** — Фарғона ҳарбий-академик лицейининг ўқитувчиси

**Турсуналиев Ахрор Ахмаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хайдаров Камолиддин Шаробидинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Худайбердиев Бахтиёржон Толибович** — Наманган вилояти прокурорининг ўринбосари

**Хужакулов Мамарайим Абдурайимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Хусанова Фатима Усмановна** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судяси

**Чориев Эргаш Эгамбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи назоратчиси

**Шамсиев Нурали Зайдинович** — Навоий вилояти Хатирчи тумани давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи

**Эгамбердиев Жавлонбек Хошимович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси гуруҳи командири

**Эгамбердиев Одилбек Пулатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эгамов Бехзод Дониерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Эменов Фахриддин Мансурович** — Самарқанд вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

**Эшондедаев Ёдгоржон Гуламович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Юлдашев Гайрат Кувандикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинмаси бошлиғи

**Юсупов Уктамбой Абсамадович** — Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани прокурори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 25 август*






ЎзА суратлари

# «Афросиёб» Бухорода

(1).

16 ой мобайнида узунлиги 259 километрни ташкил этувчи темир йўлда умумий қиймати 400 млн. АҚШ долларига эга лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа доирасида 16,2 млн. кубметр ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилди. 146 километрлик «Мароқанд — Навоий» участкасида ер кўтарма юмушлари поёнига етказилди ва янги темир йўл излари ётқизилди.

Навоийдан Бухорогача бўлган масофадаги «пўлат из»лар тўлиқ реконструкция қилинди. Ушбу йўналишда зарур бўлган пиёдалар ўтиш йўлаги, йўл ўтказгич, кўприклар, жами 222 та сунъий иншоот қуриб битказилди. Шунингдек, ушбу ҳудудда поездларни бир маромда электр қуввати билан таъминлаб берувчи 4 та электр станцияси биноси ҳам барпо этилди ва улар энг замонавий техник жиҳозлар билан таъминланди. Магистралнинг икки томонида 500 километрдан зиёд масофага металл тўсиқлар ўрнатилди.

Лойиҳа доирасида Бухоро темир йўл вокзали тубдан реконструкция қилинди. Эски вокзал ўрнида халқаро талабларга мос, бир вақтнинг ўзида 300 нафардан зиёд йўловчига намунали хизмат кўрсатишга мўлжалланган салобатли янги вокзал ишга тушди. Унда кенг ва ёруғ кутиш зали, сўнгги электр воситалари билан жиҳозланган чиптахоналар, барча қулайликка эга она ва бола ҳамда тиббиёт хоналари, шунингдек, хорижлик сайёҳларни кутиб олиш, кузатишни ташкил этишга хизмат қилувчи юқори даражадаги шароит мавжуд.

Яна бир муҳим жиҳат. Бугунги кунгача йўловчилар Тошкентдан Бухорогача 600 километрдан ортиқ масофага темир йўл орқали 7-8 соатда етиб борган бўлса, эндиликда ушбу муддат 3 соату 20 дақиқани ташкил этади. Боз устига, мазкур йўналиш ишга тушиши туфайли 200 дан зиёд янги иш ўрни яратилгани ҳам эътиборга сазовор.

Бухорода байрам тантаналари давом этмоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Давра суҳбати

## Ҳуқуқий маслаҳатлар берилди

**Оқдарё туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабида энди иш бошлаган ёш ходимлар иштирокида «Меҳнат қилиш тартиб-қоидалари» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.**

Тадбирда ёш ходимлар, тармоқ касаба уюшма фаоллари қатнашди. Катта ҳаётга йўл олган ёшларга меҳнат шартномасини тузиш, бекор қилиш, ички меҳнат тартиб-қоидалари ҳамда меҳнат қонунчилигига доир тушунчалар берилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати асноси айрим ёш ходимлар фаолиятининг илк кунларида дуч келган баъзи меҳнат муаммолари муҳокама қилиниб, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга ҳамкорликда жавоб топилди.

**Азамат БОЛИБОЕВ,**
**Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими ходими**



# Кўнгилларга қувонч улашиб

(1).

Қайд этилганидек, давлатимиз томонидан хотин-қизларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини янада кучайтириш ва тизимли соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳар жиҳатдан ўз самарасини бермоқда.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси ҳамда «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга!» акцияси доирасида вилоятнинг чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқ, туманларида яшовчи 322 нафар хотин-қизга замонавий маиший техника жиҳозлари ҳамда 8 нафар аёлга касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда саломатлигини тиклаш учун бепул йўлланма берилди.

— Мустақиллик йилларида кексалар, ижтимоий ҳимояталаб оилаларни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг меҳнатини енгиллаштириш ҳамда уларнинг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш масаласига ҳукумат миқёсида алоҳида эътибор билан ёндашилаётганидан хурсандмиз. Бугунги тадбирда менга тақдим этилган кир ювиш машинаси бунинг ёрқин исботи бўлди, — дейди Юқори Чирчиқ туманининг Суранкент қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Гулойим Ибрагимова.

Тадбирда «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга!» акцияси доирасида юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш, тинчлик-осойишталигимизни сақлаш йўлида жон фидо қилган 28 нафар Ватан ўғлонларининг оила аъзоларига эътибор қаратилиб, улар моддий қўллаб-қувватланди.

— Шарафли бурчни болаларимиз қон-қонига сингдириш ҳар бир онанинг вазифаси. Келажакда ўғилларим Бобур ҳамда Умиджон ҳам отаси каби ҳарбий бўлишни ният қилган, — дейди марҳум аскар Баҳром Умаровнинг турмуш ўртоғи Саодат Умарова.

«Касаба уюшмалари — ёшларга!» акцияси доирасида иқтидорли, ўзининг билим савияси, намунали хулқи билан тенгдошларига ўрнак бўлиб, фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келаётган касб-ҳунар коллежи ҳамда олий ўқув юрти талаба-ўқувчиларидан 24 нафарига касаба уюшмалари стипендияси сертификати топширилди. Иқтидорли ва жамоат ишларида кўплаб ютуқларга эришаётган Зангиота ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси Мафтуна Муродова ҳам тенгдошлари қатори тантанали равишда рағбатлантирилди.

— Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Замонавий касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда таълим олиш учун яратиб берилаётган имкониятлардан биз ёшлар мамнунмиз, — деди у.

— Вилоятимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган байрамолди тадбирларида халқимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгариб, ижтимоий фаоллиги ва ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси юксалгани намоён бўлмоқда, — дейди Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ш.Одилхонова. — Касаба уюшмалари томонидан кўрсатилаётган меҳр-эътибор эса бу муқаддас Ватанда инсон азизу мукаррам эканлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Тадбирда санъаткорлар ижросидаги юрт, тинчлик ва дўстликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Менга сўз беринг

# Қалбларда истиқлол сурури

**Анваржон АРЗИЕВ,**
**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:**



*— Мамлакатимиз мустақиллигининг чорак асрлик тўйини халқимиз баланд руҳ, кўтаринки кайфият, муносиб меҳнат ғалабалари билан кутиб олмоқда.*

*Албатта, файзу тароватли кунларга осонликча эришилгани йўқ. Теварак-атрофимизда юз бераётган оламшумул воқеалар, бунёдкорликлар, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ютуқлар «Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?» деган ҳақли саволга тўла-тўкис жавоб бўлаётганлиги қалбларимизга чексиз ғурур, фахру ифтихор бахш этмоқда.*

*Истиқлол берган беқиёс имкониятлар соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бутун бўй-басти билан яққол намоён бўлмоқда. «Саломатлик» лойиҳалари доирасида, энг аввало, қишлоқ врачлик пунктлари моддий-техника базаси мустаҳкамланди, шу билан бирга, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, ҚВПларда ишлаётган врачларни умумий амалиёт шифокорлигига қайта тайёрлаш орқали кадрлар салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Барча турдаги тиббиёт муассасалари босқичма-босқич замонавий жиҳозлар билан таъминланаётир. Бу, ўз навбатида, халқимизга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини яратди.*

*Айтиш мумкинки, тиббиёт йўналишида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотлар «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури туфайли яна бир поғонага кўтарилди. «Саломатлик — 3» лойиҳасига асосан Андижон вилоятидаги туман тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли марказий поликлиникалар ҳамда 9 та оилавий поликлиникага қарийб 3,4 миллион долларлик замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди. Андижон ва Балиқчи туманларида барпо этилган кўп тармоқли марказий поликлиникаларнинг янги бинолари истиқлолимизнинг қутлуғ тўйи олдидан ҳудуд аҳлига муносиб совға бўлди.*

*Ҳаётбахш лойиҳаларнинг изчил рўёби халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Бундай кенг қамровли ислоҳотлар бугунги кунимиз учунгина эмас, ўсиб келаётган фарзандларимизнинг соғлом ва бахтли келажаги учун ҳамдир.*

**Фозил ТУРСУНОВ,**
**Нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:**



*— Қашқадарё вилоятида нефт-газ ва геология тармоғининг етакчи корхоналари кўп. «Муборакнефтгаз» МЧЖ, «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ, «Шўртангазкимё мажмуаси» МЧЖ, «Шўртаннефтгаз» МЧЖда меҳнат қилаётган минглаб ходимлар мамлакат иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, ўзлари ҳам меҳнатлари ортидан фаровон ҳаёт кечирмоқдалар.*

*Корхона ва ташкилотларда ишчиларни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили, бу — жамоа шартномаларидир.*

*Вилоятда тармоққа қарашли барча касаба уюшма ташкилотларида тармоқ келишувлари асосида тузилган жамоа шартномалари туфайли ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг моддий манфаатдорлиги йилдан-йилга ортаётир. Масалан, 2005 йилда жамоа шартномаларининг бажарилишига 11 млрд. 964 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланган бўлса, 2010 йил якунига келиб бу кўрсаткич 41 млрд. 762 млн. сўмдан ошди. Сўнгги йилларда ходимлар олаётган имтиёзларнинг янада ортаётгани кузатилмоқда.*

*Корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш, замонавий технологияларни жорий этиш эвазига янги иш ўринлари яратилгани ҳам қувончли ютуқларимиздан биридир.*

*Изланиш бор жойда тараққиёт, юксалиш бўлади. Бундан буён ҳам ушбу таомил асосида астойдил меҳнат қилиш азму-қароримиздир.*

**Бўрибой ҲОЖИЕВ,**
**Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Навоий вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси:**



*— Миллий-маънавий қадриятларимизга бўлган эътибор, маърифий йўналишларда кенг кўламда амалга оширилган ишлар бизга ўзликни англаш саодатини насиб этмоқдаки, бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ, муҳтарам Президентимиз буни жуда лўнда ва ҳар бир инсоннинг қалбига етиб борадиган тарзда шундай ифодалаган эди, яъни «Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир».*

*Айниқса, она ва бола соғлиги, ёш авлод тарбияси, оила мустаҳкамлиги борасида чексиз ўзгаришлар юз берди ва бунинг натижаси ўлароқ, эртанги кунга ишонч ортди. Тарихан қисқа фурсатда Ватанимиз иқтисодий салоҳияти юксалиб, ижтимоий-сиёсий имкониятларининг нечоғлик улкан эканлиги дунёга намойиш этилди.*

*25 йил давомида нафақат шаҳарларимиз, балки қишлоқ ва овулларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Замонавий, миллий урф-одатларимиз билан уйғунлашиб кетган, маданий-маиший, ижтимоий объектлар, тураржой бинолари, кенг ва равон йўллар, хиёбонлар бугун шаҳар ва қишлоқлар кўркига-кўрк қўшмоқда.*

*Барча ҳудудларда энг улуғ, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрами муносиб меҳнат натижалари, кўтаринки кайфият ва шукроналик ҳисси билан кутиб олинмоқда.*

*Жумладан, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Навоий вилояти бирлашган касаба уюшма ташкилотлари томонидан бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилди. Жорий йилда, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини амалга татбиқ этиш борасида 588 нафар эҳтиёжманд оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди. 11 нафар оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун корхона ҳисобидан ссудалар ажратилди.*

*Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимиз изчил тараққий этмоқда. Ҳар бир хонадонда фаровонлик, хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Истаймизки, дориламон кунларимиз бардавом бўлсин!*

Дастур ва ижро

# Мақсад — фаолият самарадорлигини ошириш

**Ҳазорасп туманидаги 2-мактабгача таълим муассасасида ўқув-амалий семинар ташкил қилинди. Унда тумандаги 18 та мактабгача таълим муассасалари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этди.**

— Шу йил ўтказилган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг II Республика форумида «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бошланғич ташкилотлар фаолият самарадорлигини ошириш бўйича 2016-2017 йилларга мўлжалланган дастур» қабул қилинган эди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси М.Раҳимова. — Унинг ижросини таъминлаш мақсадида барча тумандаги таянч бошланғич ташкилотларда мактабгача таълим муассасалари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирокида ўқув-амалий семинарлар ўтказилмоқда. Ҳар бир бошланғич ташкилотга ҳужжатлар тўплами тайёрлаб берилди. Шу асосда ишларни ташкил қилиш, ҳужжатларни юритиш, ҳуқуқий муносабатларни тўғри тартибга солиш чоралари кўрилмоқда. Мақсадимиз, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг Устав талаблари асосида ишлашини таъминлашдир.

Семинарда ташкилий ишларни тўғри йўлга қўйиш, жамоа шартномаси орқали ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини уюштириш, меҳнат муҳофазаси масалалари атрофлича таҳлил қилинди.

Иштирокчилар 2-МТМ бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти билан танишдилар.

Бу каби семинарлар бошланғич ташкилот етакчиларининг билим ва маҳорати ошишига, тажриба алмашиши ҳамда фаолиятини янада самарали йўлга қўйишларига хизмат қилиши аниқ.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Саёҳат

**Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан бир гуруҳ фахрийлар мустақиллигимизнинг 25 йиллик тантанаси олдидан кўҳна ва навқирон шаҳарларимиз Тошкент, Самарқанд ва Бухоро сари саёҳатга отландилар.**

# Тарихга жонли назар

Фахрийларни тантанали кузатиш маросимида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва «Ўзбектуризм» компаниясининг вилоятдаги масъул ходимлари иштирок этишди. Унда турли жабҳаларда узоқ йиллар муносиб меҳнат қилган фахрийлар ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга лойиқ эканликлари таъкидланди.

Зиёрат давомида олинган таассуротлар тарихимизнинг қанчалар улуғворлиги, тараққиётимизнинг шиддати ҳақидаги ҳаётий тасаввурларни янада мустаҳкамлади. Зеро, ўтмишини унутмаган элнинг келажак сари қўяжак қадамлари ишончли ва салворли бўлади.

**Садриддин ҚЎЧҚОРОВ,**
**вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири**

Ishonch 2016-yil 27-avgust, shanba, № 103-104 (3765)

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ АВИАХОДИМ



**Муҳайё ҲАМРОЕВА,**
*«Самарқанд» халқаро аэропорти ДУК халқаро ташувларни ташкиллаштириш хизмати агенти:*

*— Самарқанд — юртимиздаги туризм энг ривожланган шаҳарлардан. Шу боис «Самарқанд» халқаро аэропорти дунё миқёсида ҳам ўз ўрнига эга. Хизмат вазифамиз юзасидан кўплаб хорижлик меҳмонлар ва юртдошларимиз билан ҳамсуҳбат бўлиб, улар эътирофини эшитганимизда хурсанд бўламиз. Бизнинг вазифамиз — уларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишдан иборатдир.*

*Рус, инглиз, япон тилларини ўрганганман. Юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларга Ўзбекистон босиб ўтган йўл, қўлга киритган муваффақиятларимиз ҳақида сўзлаб бераман. Уларнинг юзидаги ҳайрат ва ҳавас ифодасини кўриб қувонаман.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ БАНК ХОДИМИ



**Сардор ИСМОИЛОВ,**
*ТИФ Миллий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси «Академик» филиали бошқарувчиси:*

*— «Ёш мутахассислар» IV республика форумида «Операцион таваккалчиликни бошқариш» номли лойиҳам билан иштирок этдим. Ушбу лойиҳа банк тизимида таваккалчиликни камайтириб, кўпроқ аниқ далилларга таянишга ёрдам беради. У «Bazel-3» тизимида ишлайди. Келажакда лойиҳани янада такомиллаштириб, жаҳон миқёсида ҳам қўлламоқчиман. Бунда Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг бакалавр ва магистратура босқичларида олган билимларим жуда қўл келаётир.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ ГЕОЛОГ



**Ильдар НАЗИПОВ,**
*«Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси 2-категорияли гидрогеологи:*

*— Гидрогеология соҳасига ҳам ахборот технологиялари жадаллик билан кириб бораётир. Жумладан, 3D моделни гидрогеологик шароитда ўрганиш, уларда рўй бериши мумкин бўлган муаммони бартараф этиш лойиҳамнинг асосий мақсадидир. Ушбу лойиҳани Гулистон шаҳри миқёсида қўллаб, уни ҳаётга татбиқ этиш ҳаракатидаман.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ ДАСТУРЧИ



**Ойбек АЛЛАМОВ,**
*Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали компютер инжиниринги факултети декани ўринбосари:*

*— Ахборот технологиялари, жумладан, интернет жадал ривожланаётган ҳозирги даврда дастурлаш соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Шуни инобатга олган ҳолда дастурлашни ўрганувчилар учун «Онлайн ҳакам» тестлаш тизимини ишлаб чиқдим. Ундан кўзланган асосий мақсад дастурлашни ўрганувчиларга қулайлик яратиш, олган билимларини имтиҳондан ўтказиш имкониятини яратишдан иборат. Ушбу дастур ўрганувчиларнинг билим даражасини баҳолаб беради.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ КИМЁГАР



**Содиқжон ҚОДИРОВ,**
*«Фарғонаазот» АЖ аммиак 3-цехи оператори:*

*— Истиқлол йилларида мамлакатимизда саноат жадаллик билан ривожланди. Маҳаллийлаштириш дастурлари асосида турли маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Илгари сурган лойиҳамга кўра, полифосфат аммонийнинг ишлатилиши ва занга қарши Рух (Zn) бирикмали антикорризион маҳсулотнинг олинишини амалиётга татбиқ этиш режалаштирилган.*

*Полифосфат аммоний муҳим саноат объектларини металлоконструкцияларини махсус ёнғинга қарши қопламалар билан қоплашда ишлатилади.*



# Ўзбекистон –

↖(1).

Тадбирда севимли санъаткорларимиз ижросида Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради, шеърлар айтилди. Айниқса, жонли ижрода куйланган қўшиқлар, оналарга бағишланган шеърлар барчани сеҳрлади.

### ИҚТИДОР ВА ИННОВАЦИЯ НАМОЙИШИ

*23 август.*

«Бўстон» санаторийсига кираверишдаёқ бу ерда йирик тадбир ташкил этилаётгани сезилади. «Ёш мутахассислар» IV республика форумига хуш келибсиз!» дея сизни чорлаётган шиорга уйғун равишда фаол ва билимли ёшлар фаолиятидан сўзловчи баннерлар эътиборингизни тортиши шубҳасиз.

Айниқса, турли соҳаларнинг энг фаол мутахассислари ишланмалари акс этган, фаолиятидан сўзловчи кўргазма барчага манзур бўлди. Кенг ва узун йўлак бўйлаб «Энг фаол ёш авиаходим», «Энг фаол ёш банк ходими», «Энг фаол ёш геолог», «Энг фаол ёш дастурчи», «Энг фаол ёш кимёгар», «Энг фаол ёш кончи», «Энг фаол ёш металлург», «Энг фаол ёш озиқ-овқат ходими», «Энг фаол ёш олим», «Энг фаол ёш спорт мураббийи», «Энг фаол ёш темирйўлчи», «Энг фаол ёш транспортчи», «Энг фаол ёш шифокор», «Энг фаол ёш энергетик» йўналишлари бўйича алоҳида баннерлар ўрнатилган. Улар олдида ҳар бир йўналиш соҳибининг ютуқларидан сўзлагувчи диплом ва совринлар, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, макетлар, жиҳозлар жой олган. Ёш мутахассисларнинг ўз билим ва тажрибасини тўлқинланиб ифода этиши кўргазма қатнашчиларини ғоятда мамнун этди.

Жумладан, бири авиациядаги ютуқларни айтиб ўтса, бошқаси архитектура йўналишидаги янгиликларни макетлар мисолида асослайди. Қазилма бойликларимиз, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган кимёвий маҳсулотларнинг хусусиятлари, туризм, машинасозликдаги ўзига хос изланишлар, тиббиётдаги кашфиётлару энергияни тежашга қаратилган саъй-ҳаракатлар борасидаги тақдимотлар ёшларимизнинг нечоғли юксак салоҳият эгалари эканини намоён этди.

Қайд этиш жоизки, танловда ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган янги лойиҳалари, улар натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ва унумдорлигининг ортиши, инновацион ишланмаларнинг республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси асосий мезонлардан бири бўлди. Муҳими, танлов орқали ёшларнинг ноёб кашфиётлари юзага чиқарилмоқда. Масалан, «Максам-Чирчиқ» АЖ катализатор ишлаб чиқариш цехи технологи Арсен Алиев тақдим этган лойиҳада Россиядан келтирилаётган металл катанка хомашёси ўрнига «Ўзкимёсаноат» корхоналарида аммиакни синтез қилиш технологиясида ишлатилаётган СА-СВ катализатори чиқиндисидан фойдаланиш таклиф этилган. Мазкур лойиҳани амалиётга татбиқ этиш ишлаб чиқаришда зарур бўлган махсус катализатор олишда катта фойда келтиради.

«Навоийазот» АЖ Азот кислотаси ишлаб чиқариш цехи бўлинма бошлиғи Беҳзод Шералиев лойиҳаси эса йирик қувватли аммиак ва азот кислотаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришда катта қувватли электродвигателлар ўрнига пар билан ҳаракатга келтирилувчи турбиналар ишлатиш орқали корхоналарда катта ҳажмдаги электр энергиясини тежаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида маҳсулот таннархини пасайтириб, унинг рақобатбардошлигини оширади.

— Таълимнинг изчил ривожланиши, турли соҳалардаги юксалиш ёшларимизнинг билимдон ва етук мутахассис бўлиб етишишига асос бўлиб хизмат қилаяпти, — дейди форум иштирокчиси, геолог Низомжон Султонов. — Буни бугунги ёш мутахассислари фаолияти, эришган натижаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар ўз танлаган соҳасида изланишдан, жамиятга фойда келтирувчи янгиликлар қилишдан завқ туяди. Шундай кенг дунёқарашли авлод шаклланаётган экан, мамлакатимиз келажаги ёруғ бўлиши аниқ.

### КЕЛАЖАК БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ

Ранг-баранг кўргазма ва қизиқарли тақдимотлардан сўнг ташкил этилган анжуман ҳам фойдали кечди. Унда Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида қўлга киритилган улкан муваффақиятлар ҳамда келгусидаги масъулиятли вазифаларга кенг тўхталиб ўтилди. Сўзга чиққанлар дунёни лол қолдираётган ютуқларимизга чуқур таҳлилий асосда ёндашдилар.

— Бу ерга йиғилганлар бахтиёр ёшлар, мустақиллик фарзандларидир. Истиқлолнинг илк кунларидан инсон манфаатларига қаратилган кенг кўламли islоҳотлар аҳоли, айниқса, ёшлар учун беқиёс имкониятлар яратди. Бу эса бугун ўз натижасини бераётир, — деди, жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — 1997 йилдан буён ҳар йили қабул қилиб келинаётган Давлат дастурларида ҳам изчил равишда ёшлар, аёллар ва оилалар манфаатлари ифода этиб келинаяпти. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ҳам ана шу узвийликни таъминлади. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси эса янада қувонарли. Яқинда Сингапурда бўлиб ўтган математика бўйича халқаро мусобақада мамлакатимиз ўқувчиларидан 5 нафари олтин медални қўлга киритди. Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги олимпия ўйинларида эса спортчиларимиз тарихий натижага эришди. 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 бронза медал билан жами 207 та мамлакат ичида 21-ўринни банд этганимиз барчамизни ғурурлантиргани шубҳасиз. Сизлар эса, насиб этса, мутахассис сифатида илм-фан соҳасида, меҳнатда чемпион бўласизлар. Бунинг учун эса, Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, маррани баланд олсак кифоя.

Шунингдек, тадбирда сўз олган Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси ўринбосари Дилшод Қулматов ҳам юртмизда ёшларни ҳар томонлама қуллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганига тўхталиб ўтишди. Бугунги форум ҳам ана шу эътибор самараси эканини эътироф этишди.

Анжуманда ёш мутахассислардан Саид Шаумаров, Азиза Атоева ҳамда Шерзод Рўзиевлар ёшларни рағбатлантириш ва руҳлантиришга ундовчи тадбирларни уюштираётган ташкилотчиларга ўз миннатдорликларини билдиришди.

— Бугунги кунда ёш мутахассисларимизга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда, — дейди форум иштирокчиси Фаррух Маҳкамов. — Айниқса, бунда касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчи томонидан тузиладиган жамоа шартномасининг ўрни катта. Сўнгги йилларда жамоа шартномаларида ёшлар манфаатларини ифода этувчи кўплаб имтиёзлар акс этаяптики, бу уларнинг муносиб меҳнат шароитларида ишлаб, фаровон турмуш кечиришига асос бўлиб хизмат қилаяпти.

### ЭЪТИБОР

Дарҳақиқат, форумда қайд этилганидек, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. 1991 йил ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши юртимизда ёшлар ҳуқуқларини барча соҳада ҳимоя қилиш борасида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асосларни тўла шакллантирди. Натижада ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар бошқа соҳалар билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг деярли барча тадбирлар, йирик анжуманлардаги маърузаларида ёшларга алоҳида эътибор қаратиб, улар эришаётган ютуқлар ҳақида фахр ва ғурур билан сўзлаши ҳам келажагимиз эгаларига бўлган юксак ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Бугун Ўзбекистонда бошқа мамлакатлар тажрибасида учрамайдиган йўналиш — ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялашда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигининг йўлга қўйилиши ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали натижаларга эришиш имконини бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан ҳам ўқувчи ва талабаларнинг, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёш мутахассисларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, уларнинг ғоя ва лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур форум ҳам айни шу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ҳозирда мамлакатимизда мавжуд 6 миллиондан зиёд касаба уюшма аъзоларининг 50 фоиздан ортиғини талаба ва ўқувчилар ҳамда ёш мутахассислар ташкил этади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини тўлақонли таъминлашда Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишувга, тармоқ ва ҳудудий келишувларга, шунингдек, корхоналарда имзоланаётган жамоа шартномаларига шу масалага оид алоҳида меъёрлар, қўшимча имтиёз ҳамда кафолатлар киритилгани айни муддао бўлмоқда. Натижада, жамоа шартномалари орқали ёш мутахассис ва ходимларга уй-жой қурилиши ҳамда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар берилмоқда. Талабалар учун контракт пулларини қоплаб бериш, ёшларни корхонада етарли тажрибага эга бўлган ходимларга бириктириш, ёш мутахассислар касбий малакасини ошириш учун етарли шароитлар яратиш, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма стипендияси билан таъминлаш каби қўшимча имтиёзлар амалга оширилаётир.

Нодавлат секторида ташкил этилаётган корхона ва ташкилотларда ишловчи ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласи ҳам касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида. Шу мақсадда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари касаба уюшмаларига жалб этилиб, уларда меҳнат қилаётган ходимлар, шу жумладан, ёшлар ижтимоий ҳимоя остига олинмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминланиши борасида касаба уюшмалари томонидан доимий мониторинг йўлга қўйилган бўлиб, корхона ва ташкилотларда уларнинг иш жойларида қўнимлилиги бўйича жамоатчилик назорати олиб борилаётир. Шунингдек, ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида коллежни битириб, ўз ишини очиш, кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш хоҳишини билдирган ёшларга зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатувчи «Услубий марказ»лар ташкил этилиб, улар томонидан ёшларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келинаяпти. Бундан ташқари, касаба уюшмалари Федерацияси, тармоқ касаба уюшма-




## ЭНГ ФАОЛ ЁШ КОНЧИ



**Толлибой ЙЎЛДОШЕВ,**
*Жанубий кон бошқармаси «Зармитан» кони бош муҳандиси:*

*— Форум жараёнида фаол тенгдошларим қатори ўз ишланмаларим билан муваффақиятли иштирок этганимдан хурсандман. Энг муҳими, ёшларимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ютуқларимиз гарови бўлаётир.*

*Ишлаб чиққан лойиҳамда ер ости қазилма бойликларининг сифатини оширган ҳолатда тегишли жойга олиб бориш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа ишга тушса, кончилик соҳасига фойда келтиришига ишонаман.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ ОЛИМ



**Жамшид АБДУНАЗАРОВ,**
*Жиззах политехника институти илмий ходими, грант соҳиби:*

*— Аввало, камтарона меҳнатимни юқори баҳолашгани учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман. Ушбу рағбат келгусида янада масъулият билан ишлашимизга туртки бериши шубҳасиз.*

*Танлов жараёнида олиб чиққан лойиҳам «Автомобил йўлларининг геометрик элементларини лойиҳалашда ҳисобий автомобиллар параметрларини лойиҳалаш» деб номланади. Ундан кўзланган асосий мақсад йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш, йўллардаги тирбандликнинг олдини олишдан иборат.*

*Илмий изланишларим давомида 30 га якин илмий мақола ва ўқув қўлланмалар чоп эттирдим. Шу билан бирга, Жиззах политехника институтининг ёш олимлар кенгаши раиси сифатида ҳам фаолият олиб бораяпман.*

# Мутахассислар мамлакати



*Икром ҲАСАНОВ ҳамда Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар*

лари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бирлашмалар қошида ташкил этилган Ёшлар кенгашлари томонидан йирик ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Касаба уюшмалари Федерациясининг касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар кўлами ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, мустақиллигимизнинг 25 йиллиги кенг нишонланадиган жорий йилда касаба уюшмалари томонидан илгари сурилган янги ташаббус — республикамиз ҳудудларидаги ҳар бир туман ва шаҳарда 25 тадан янги иш ўринларини яратиш ишлари жадал давом этмоқда. Айни кунгача ҳудудларда касаба уюшмалари томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини ташкил этиш орқали коллеж битирувчилари учун жами 3 790 та иш ўрни яратилиб, ёшлар бандлиги таъминланди.

* * *

Куннинг иккинчи ярмида 2 гуруҳга бўлинган ёш мутахассислар ижтимоий-меҳнат муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг инновацион ғоя ва рационализаторлик ишланмаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш каби йўналишлардаги секция машғулотларига жалб этилди.

— Секция машғулотларида кўп маълумотларга эга бўлдик, — дейди форум иштирокчиси Азиз Қурбонов. — Бевосита фаолиятимиз билан боғлиқ бўлган инновацион ғояларни патентлаш, молиялаштириш, ишлаб чиқаришга татбиқ этиш масалалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Жамоа шартномаси, иш ҳақи ва маҳнат таътилларига оид масалалар ҳам қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Бундан ташқари, ёшлар ҳуқуқлари, қонун ижодкорлиги истиқболлари борасида қизиқарли маълумотларга эга бўлдик.

Анжуман давомида ёш мутахассисларнинг ишланма ва инновацион ғоялари тақдимоти ўтказилиб, ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Форумнинг иккинчи кунига маданий тадбир якун ясади.

### ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

*24 август.*

Форумнинг учинчи куни иштирокчилар пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида бўлиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйишди.

Даблдеккер автобусларида Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари бўйлаб уюштирилган саёҳат эса ёшлар хотирасида умрбод сақланиб қолса, не ажаб. Негаки, йилдан-йилга чирой очиб, нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳларнинг ҳайрат ва эътирофига ҳам сазовор бўлаётган пойтахтимиз қиёфаси чиндан-да мафтункор.

Саёҳат давомида кўзни қувнатувчи баҳаво ва гўзал хиёбонлар, муҳташам меҳмонхоналар, тарихий бинолар, ноёб архитектура асосида бунёд этилган маъмурий ва маданият иншоотлари — барча-барчаси юртимиз тараққиёти ва фаровонлигидан сўзлаётгандек. Жумладан, Амир Темур хиёбони, Халқаро анжуманлар саройи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Минор жомъе масжиди, Олой ва Чорсу бозорлари, Миллий боғ, Мустақиллик майдони, Симпозиумлар саройи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, маҳаллалар, ҳунармандчилик марказлари, кенг ва равон йўллар... Ушбу бетакрор объектлар форум иштирокчиларида ғурур ва фахр ҳиссини уйғотди. Саёҳат жараёнида ҳар бир объектга ўзбек ва бир қатор хорижий тилларда таъриф бериб борилиши шаҳар тарихи ва бугунги бунёдкорлик ишлари билан янада яқиндан танишиш имконини берди.

— Аввал бир неча бор келган бўлсам-да, бугунги саёҳат давомида пойтахтимизни қайта кашф этгандекман. Бунёдкорлик кўз олдимда бор бўйи билан намоён бўлди. Шунингдек, юртимизда туризм соҳаси жадал ривожланиб бораётганини, сайёҳларга яратилаётган шароитлар ҳам халқаро талабларга тўла жавоб беришини ҳис қилдим, — дейди форум иштирокчиси, андижонлик Садоқатхон Шокирова. — Алоҳида таъкидлашим лозимки, мазкур тадбирда ўз касбининг устаси бўлган мутахассислар билан танишдим, янги дўстлар орттирдим. Асосийси, меҳнат қилган ҳар бир ёш давлат ҳимоясида ва улар учун мамлакатимизда барча шароит муҳайё эканига иқрор бўлдим.

Дарҳақиқат, пойтахтимизни янада кўркам шаҳарга айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўлами нақадар кенглиги ақлни шоширади.

### МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Куннинг иккинчи ярмида пойтахтимиздаги «Камолот» ёшлар ижод саройида форумнинг тантанали қисми — «Энг фаол ёш мутахассис», «Энг яхши ишчи касб эгаси» танловларининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ёш мутахассислар, ёшлар ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этдилар.

Форумда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, йиғилганларни мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами билан қутлади. Шунингдек, Президентимиз раҳнамолигида ёшларимизнинг билим олиши ва меҳнат қилиши учун кенг имкониятлар яратиб берилганини таъкидлаб ўтди.




Эътироф этилганидек, ушбу форум ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, уларнинг инновацион ғоя, лойиҳа ва ишланмаларини ҳаётга татбиқ этиш, бу орқали ёшлар бандлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ёш мутахассислар фаоллигини ошириш, шунингдек, иқтидорлиларни муносиб рағбатлантириш, йигит-қизларда Она Ватанга муҳаббат ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бу йилги форум аввалги йиллардагидан ўз кўлами билан кескин фарқ қилди. Унда турли соҳаларда фаолият кўрсатаёттан ёш мутахассислар, олим ва тадқиқотчилар иштирок этди. Форум доирасида 3 босқичда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ўтказилиб, унинг қуйи босқичларида 14 та энг муҳим йўналиш бўйича 6 минг нафарга яқин ёш мутахассис қатнашди. Танловнинг республика-тармоқ босқичида эса 180 нафар ёш мутахассис ўз имкониятини намойиш этди. Танловнинг барча номинациялари ёш мутахассисларнинг қизғин беллашуви остида ўтди.

Натижаларга кўра, 14 та номинация бўйича 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган 42 нафар ёш мутахассис форумда иштирок этиш йўлланмасига эга бўлди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, форумда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан жорий йилдан бошлаб илк маротаба мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Энг яхши ишчи касб эгаси» танловида 7 та номинация бўйича иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритган 7 нафар ғолиб — ёш ишчи касб эгалари ҳам иштирок этди. Муҳими, танловларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёш мутахассисларнинг янги инновацион ғоя ва ишланмалари ҳамда илмий кашфиётлари муносиб рағбатлантирилиб, амалиётга татбиқ этилишига кўмаклашилаётир.

Тантанали тадбирда энг фаол ва мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшувчи лойиҳа ва ишланмаларга эга икки нафар ёш мутахассисга — Жиззах политехника институти илмий ходими Жамшид Абдуназаров ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти «Бино ва саноат иншоотлари қурилиши» кафедраси доценти Саид Шоумаров, шунингдек, «Энг яхши ишчи касб эгаси» танловининг 1 нафар ғолиби — Навбаҳор тумани Енгилсаноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Диёра Қаҳҳоровага Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси грантлари топширилди.

**Диёра ҚАҲҲОРОВА,
Навбаҳор тумани Енгилсаноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси, Грант соҳиби:**

— Грант соҳиби бўлганимдан жуда хурсандман. Биз каби касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор ҳар қанча эътирофга лойиқ. Форум доирасида тенгдошларим ишлари билан яқиндан танишиб, ишланмаларимни улар билан ўртоқлашдим. Келгусида миллий либосларимиз довруғини дунёга танитиш йўлида бор билим ва салоҳиятимни ишга солишга сўз бераман.

Бундан ташқари, барча иштирокчилар ташкилотчиларнинг сертификат ва совғалари билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

* * *

*Хуллас, ушбу форум мисолида ҳам аён бўладики, жадал тараққий этаётган мамлакатимизда ёш мутахассислар учун барча имконият яратилмоқда. Ташкилот, муассаса ва корхоналарда уларни ишга қабул қилишдан тортиб, етук ходим бўлиб шаклланишигача бўлган жараён эътиборда. Муҳими, ёшларимиз қатор имтиёз ва кафолатлардан унумли фойдаланган ҳолда, ўз устида тинимсиз ишлаб, малакасини мунтазам ошириб боришса, марра уларники.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ ТЕМИРЙЎЛЧИ



**Саид ШОУМАРОВ,**
*Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг «Бино ва саноат иншоотлари қурилиши» кафедраси доценти, грант соҳиби:*

*— Грантга муносиб кўрилганимиз зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Бу каби эътибор ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, муносиб натижаларга эришиш асосий вазифамиз ҳисобланади.*

*Фаолиятимга тўхталадиган бўлсам, энергия самарадорлиги мавжуд биноларни лойиҳалаш бўйича илмий тадқиқот ишини олиб бораяпман. Бундай биноларни қуриш орқали энергия сарфини кескин камайтириш мумкин.*

*Қувонарли томони, мазкур форумда тенгдошларимнинг илмий тадқиқот ишлари билан яқиндан танишиб, янги дўстлар орттирдим.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ ТРАНСПОРТЧИ



**Руслан РЎЗМЕТОВ,**
*Хоразм троллейбус бошқармаси директори:*

*— Форум жараёнида зарар билан ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш дастурини илгари сурдим. Ушбу дастур Хоразм троллейбус бошқармаси мисолида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунда электр энергиясини тежаш, туризм ва реклама имкониятларидан фойдаланиб, қўшимча пулли хизмат жорий этиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилаяпти.*

*Алоҳида қайд этишим керакки, форум жараёнида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган турли соҳа вакиллари билан танишдим. Фаолиятимизда асқотадиган кўплаб билимларга эга бўлдик.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ ШИФОКОР



**Шерзод РЎЗИЕВ,**
*Тошкент педиатрия тиббиёт институти катта илмий ходим-изланувчиси:*

*— Фаолиятимиз ҳамиша эътиборда эканидан жуда хурсандмиз. Ўтган йили «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳрида бўлиб ўтган танловда «Энг яхши илмий ходим учун» эсдалик нишонига ҳам сазовор бўлдим. Муаллифлигимда 5 та ўқув қўлланма чоп этилган. Буларнинг бари биз ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар самарасидир.*

*Танловда жараёнида қандли диабет касаллигини дермотографик ташхислаш бўйича лойиҳам билан иштирок этдим. Унга кўра, касалликни эрта аниқлаш ва уни самарали даволаш мумкин бўлади.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЭНЕРГЕТИК



**Жасур ЭРГАШЕВ,**
*«Angren issiqlik elektr stansiyasi» акциядорлик жамияти қозон цехи устаси:*

*— Ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис ушбу масъулиятли соҳада ишлаб келаётганимдан хурсандман.*

*Ишлаб чиққан лойиҳамга кўра, қозон цехидаги ҳаво вентиляторини ўзгартирганимизда сарфланадиган харажат кескин камайди. Мамлакатимиздаги кўплаб иссиқлик электр станцияларида тежамкор технологияларни ўрнатиш ва юқори самарадорликка эришиш борасида изчил ишлар олиб борилаяпти. Шу маънода лойиҳамнинг ҳаётга татбиқ этилиши бу борада муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ МЕТАЛЛУРГ



**Мирзамурод ЖЎРАЕВ,**
*«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ Мис эритиш заводи ҳаво тақсимлаш цехи аппаратчиси:*

*— Ишлаб чиққан лойиҳам K15 3-сонли ҳаво тақсимлаш блоки учун янги хомашёни қўллаш, сарф-харажатни кескин камайтириб, давлат бюджетига катта фойда келтиради.*

*Корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакил сифатида ускуналарнинг хавфсиз иш самарадорлигини оширишга ҳам эътибор қаратиб келаман. Иш жараёни қанчалик меҳнат муҳофазасига амал қилинган ҳолда олиб борилса, иш сифати ҳам, унумдорлик ҳам шунча яхши бўлади.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМИ



**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
*Дўстлик тумани «Нурли нон» МЧЖ ёғ оқлаш ва ҳидсизлантириш цехи смена бошлиғи:*

*— Тараққиёт суръати сабаб электр энергиясига бўлган талаб шиддат билан ошиб бораяпти. Шу боис ҳам, ўсимлик мойидан биоёқилғи олиш технологиясини тадқиқ қилишга қаратилган лойиҳам долзарб аҳамият касб этади.*

*Ушбу лойиҳа қатор афзалликларга эга. Аввало, ўсимлик мойини қайта ишлаш ҳисобига экологик вазиятга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, ўсимликларнинг ҳар йили ўстирилишини инобатга олсак, қайта тикланиш хусусиятига ҳам эга.*

## ЭНГ ФАОЛ ЁШ СПОРТ МУРАББИЙИ



**Бобир ТЎХТАСИНОВ,**
*Фарғона вилояти Риштон тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи:*

*— Белбоғли кураш бўйича уч карра халқаро мусобақаларда, Ўзбекистон кубогида совриндор бўлганман. Шунингдек, 5 карра Ўзбекистон чемпиони, 2013 йил бўлиб ўтган «Универсиада» ўйинлари ғолибиман. Халқаро тоифадаги спорт устаси номига ҳам эришганман.*

*Ҳозирда кураш сирларини ёшларга ўргатиб келаяпман. Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида спортчиларимиз томонидан қўлга киритилган ютуқлар барча қатори мени ҳам жуда қувонтирди.*

**Қўшсаҳифа ЎзКУФ Матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ishonch» мухбирлари Акмал ТОШЕВ ва Давронбек ОРИПОВ томонидан тайёрланди**

## 25

## «СИТОРАИ МОҲИ ХОСА САНАТОРИЙСИ» МЧЖ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Соҳа ходимларини, мамлакатимизнинг барча аҳолисини энг улуғ, энг азиз байрам — Ўзбекистон мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллиги муносабати билан муборакбод этади.*

*Тараққиёт пиллапояларида дадил одимлаётган юртимизга барқарор тинчлик, фаровонлик, истиқболи порлоқ, нияти пок халқимизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, тотувлик, бунёдкорлик ишларида омад, фарзандлари камолотида бардавомлик тилаб қолади.*

**ХОНАДОНЛАРНИ БАХТУ ИҚБОЛ, ШОДУ ХУРРАМЛИК АСЛО ТАРК ЭТМАСИН!**



## МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ «COSCOM» ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Ucell




**Жонажон Ватанимиз аҳлини шонли сана — мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади!**

Бахту саодат ҳамиша ёр бўлиб, хонадонингиз кут-баракага тўлсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# «ОҲАНГАРОНЦЕМЕНТ» АЖ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Бунёдкор халқимизни улкан шодиёна — азиз диёримиз мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий қутлайди.*



Қалбларимизни қувонч ва шодлик, фахр-ифтихор туйғулари асло тарк этмасин. Юрт равнақи ва фаровонлиги, халқ бахт-саодатига қаратилган саъй-ҳаракатларимиз бароридан келсин!

## 25

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғаллаорол туман кенгаши**

*Соҳа ходимлари ва барча юртдошларимизни азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий қутлайди.*

Шундай шодиёна кунларда бахт ва омад, оилавий хотиржамлик ҳамда фаровонлик сизларни тарк этмасин. Жонажон ватанимиз равнақи йўлидаги барча ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин.




«ФАРҒОНААЗОТ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ
Барча юртдошларимизни, соҳа ходимларини
мустақиллигимизнинг 25 йиллик айёми билан самимий
қутлайди. Хонадонингизга қут-барака, тинчлик ва
хотиржамлик тилайди!
Юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин!


25
БУХОРО НЕФТНИ
ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА
УЮШМА ҚЎМИТАСИ
Соҳа ходимларини, келажаги буюк мамлакатимизнинг барча
аҳолисини шонли сана — Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллиги муносабати билан
самимий муборакбод этади.
Тарих учун ғоят қисқа муддатда асрларга тенг зафарларга
эришган ва истиқболда янада улкан марраларни кўзлаб дадил
олға интилаётган халқимизга тинчлик-омонлик,
сиҳат-саломатлик, хушкайфият, оилавий тотувлик, бунёдкорлик
ишларида ҳамиша омад ёр бўлишини тилайди.
Истиқлол байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!




# ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



Барча юртдошларимизни Истиқлолимизнинг 25 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, барча жабҳаларда қўлга киритилаётган ютуқларимиз салмоғини янада ошириш йўлидаги эзгу ишларимиз ҳар доим бароридан келсин! Гўзал ва мафтункор она Ватанимиз сарҳадлари ҳамиша дахлсиз ва мустаҳкам, халқимиз омон, турмушимиз янада фаровон бўлсин!









## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ МАЪМУРИЯТИ ВА НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ

Юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз айём — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги билан муборакбод этади.

Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган барча фидойи инсонларга ва соҳа ходимларига мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, хонадонларига файзу барака, жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларида зафарлар тилайди. Доимо осмонимиз мусаффо, турмушимиз фаровон бўлсин. Озод ва обод юртимизга кўз тегмасин.

*Қутлуғ 25 ёшинг муборак бўлсин,*
*ЎЗБЕКИСТОНИМ!*



Реклама

IPOTEKA BANK

## Ипотека банк

жамоаси ватандошларимизни энг азиз байрам – Истиқлолимизнинг қутлуғ 25 йиллиги билан самимий муборакбод этади.



Хизматлар лицензияланган.

**MUASSIS:**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Navoiy** — (+998-93) 314-13-03
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-91) 233-69-07
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**
A.Toshev
**Navbatchi:**
N.Mahamov
**Musahhih:**
S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:**
H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:10**
Topshirildi — **22:00**

1 2 3 4 5

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**

**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 3 bosma taboq.
Buyurtma Г — 815.
14176 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

**Тахририят ҳисоб рақами:**
**2021 0000 0004 3052 7001,**
**АТИБ «Ипотека банк» Яшнобод филиали,**
**банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100**

# Qishloq Qurilish Bank

***Барча юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан чин дилдан табриклаймиз. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, куч-қувват, шунингдек, Ватанимизнинг тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.***

**ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ СИЗГА**
**ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ**

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**

**"МУСТАҚИЛ ЮРТИМ"** — омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.

*Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.*

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:**

**«КОМФОРТ»** — омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади;

*Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

**"МАДАД"** – маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;
"Қурилишга бошланғич бадал" — муддати — 1 йил.

*Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.*

**Сизнинг омонатингиз:**
*солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!*
*эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
*миқдори чекланмаган!*

**Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93,** www.qqb.uz

*Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!*

*Хизматлар лицензияланган.*



# КИМЁ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Барча юртдошларимизни жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйи билан муборакбод этади. Мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.







IPOTEKA BANK

# «Ипотека банк» Акциядорлик тижорат Ипотека банки «Супер ютуқ» ютуқли омонати бўйича 2016 йил 15 августда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

| № | Ютуқ миқдори | Ҳудуд номи | Банк филиали номи | Жамғарма касса рақами | Омонатчи хисобварағининг тартиб рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 20 000 000,00 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 478 |
| 2 | 4 736 674,50 | Тошкент вилояти | Ангрен | 02-ЖК | 20606931-18 |
| 3 | 1 804 447,43 | Қашқадарё вилояти | Қашқадарё | 08-ЖК | 20606931-2 |
| 4 | 1 804 447,43 | Тошкент вилояти | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 18 |
| 5 | 1 804 447,43 | Наманган вилояти | Наманган | 07-ЖК | 20606931-36 |
| 6 | 1 218 002,03 | Бухоро вилояти | Сардор | 01-ЖК | 20606931-77 |
| 7 | 1 218 002,03 | Тошкент шаҳар | Яккасарой | 01-ЖК | 20606931-3 |
| 8 | 1 218 002,03 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606931-21 |
| 9 | 1 218 002,03 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | 01-ЖК | 20606931-12 |
| 10 | 1 218 002,03 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-262 |
| 11 | 966 668,28 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-96 |
| 12 | 966 668,28 | Тошкент шаҳар | Сергели | 16-ЖК | 20606931-27 |
| 13 | 966 668,28 | Тошкент вилояти | Бекобод | 10-ЖК | 20606931-55 |
| 14 | 966 668,28 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 19-ЖК | 20606931- 2 |
| 15 | 966 668,28 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 61 |
| 16 | 966 668,28 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 361 |
| 17 | 966 668,28 | Тошкент шаҳар | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606931-126 |
| 18 | 827 038,41 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-288 |
| 19 | 827 038,41 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-176 |
| 20 | 827 038,41 | Бухоро вилояти | Сардор | 01-ЖК | 20606931-105 |
| 21 | 827 038,41 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 165 |
| 22 | 827 038,41 | Наманган вилояти | Наманган | 07-ЖК | 20606931-40 |
| 23 | 827 038,41 | Сирдарё вилояти | Сирдарё | 01-ЖК | 20606931-44 |
| 24 | 827 038,41 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-140 |
| 25 | 827 038,41 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606931-1 |
| 26 | 827 038,41 | Тошкент шаҳар | Чилонзор | 07-ЖК | 20606931-1 |
| 27 | 812 001,34 | Тошкент вилояти | Бекобод | 10-ЖК | 20606931-34 |
| 28 | 812 001,34 | Тошкент шаҳар | Сергели | 16-ЖК | 20606931-29 |
| 29 | 812 001,34 | Тошкент шаҳар | Мехнат | 02-ЖК | 20606931-7 |
| 30 | 812 001,34 | Қашқадарё вилояти | Қашқадарё | 08-ЖК | 20606931-1 |
| 31 | 812 001,34 | Сирдарё вилояти | Сирдарё | 01-ЖК | 20606931-453 |
| 32 | 812 001,34 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 126 |
| 33 | 812 001,34 | Тошкент шаҳар | Чилонзор | 20-ЖК | 20606931-10 |
| 34 | 812 001,34 | Қорақалпоғистон Респ. | Қорақалпоғистон | 07-ЖК | 20606931-80 |
| 35 | 812 001,34 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606931-46 |
| 36 | 812 001,34 | Хоразм вилоят | Хоразм филиали | 08-ЖК | 20606931-27 |
| 37 | 624 616,42 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-354 |
| 38 | 624 616,42 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-175 |
| 39 | 624 616,42 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-126 |
| 40 | 624 616,42 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-54 |
| 41 | 624 616,42 | Тошкент шаҳар | Яккасарой | 07-ЖК | 20606931-2 |
| 42 | 624 616,42 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606931-34 |
| 43 | 624 616,42 | Қорақалпоғистон Респ. | Қорақалпоғистон | 07-ЖК | 20606931-66 |
| 44 | 624 616,42 | Тошкент шаҳар | Яккасарой | 01-ЖК | 20606931-63 |
| 45 | 624 616,42 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-185 |
| 46 | 624 616,42 | Бухоро вилояти | Сардор | 01-ЖК | 20606931-55 |
| 47 | 624 616,42 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-264 |
| 48 | 624 616,42 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | 31-ЖК | 20606931-9 |
| 49 | 624 616,42 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606931-106 |
| 50 | 496 223,04 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 511 |
| 51 | 496 223,04 | Қашқадарё вилояти | Қашқадарё | 08-ЖК | 20606931-12 |
| 52 | 496 223,04 | Андижон вилояти | Истиқлол | 01-ЖК | 20606931-01 |
| 53 | 496 223,04 | Тошкент шаҳар | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606931-55 |
| 54 | 496 223,04 | Наманган вилояти | Наманган | 07-ЖК | 20606931-48 |
| 55 | 496 223,04 | Тошкент шаҳар | Мехнат | 17-ЖК | 20606931-5 |
| 56 | 496 223,04 | Тошкент шаҳар | Мехнат | 42-ЖК | 20606931-1 |
| 57 | 496 223,04 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606931-37 |
| 58 | 496 223,04 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 286 |
| 59 | 496 223,04 | Сирдарё вилояти | Сирдарё | 01-ЖК | 20606931-37 |
| 60 | 496 223,04 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 97 |
| 61 | 496 223,04 | Наманган вилояти | Наманган | 07-ЖК | 20606931-35 |
| 62 | 496 223,04 | Тошкент шаҳар | Мехнат | 42-ЖК | 20606931-10 |
| 63 | 496 223,04 | Тошкент шаҳар | Шайхонтоҳур | 03-ЖК | 20606931-101 |
| 64 | 496 223,04 | Тошкент шаҳар | Сергели | 01-ЖК | 20606931- 5 |
| 65 | 398 039,87 | Тошкент вилояти | Бекобод | 10-ЖК | 20606931-37 |
| 66 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Сергели | 16-ЖК | 20606931-19 |
| 67 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Яккасарой | 11-ЖК | 20606931-8 |
| 68 | 398 039,87 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606931-90 |
| 69 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Мехнат | 18-ЖК | 20606931-2 |
| 70 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 528 |
| 71 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Мехнат | 20-ЖК | 20606931-58 |
| 72 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 191 |
| 73 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Шайхонтоҳур | 30-ЖК | 20606931-4 |
| 74 | 398 039,87 | Сурхондарё вилояти | Сурхондарё | 01-ЖК | 20606931-6 |
| 75 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 33 |
| 76 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 539 |
| 77 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Шайхонтоҳур | 25-ЖК | 20606931-2 |
| 78 | 398 039,87 | Тошкент вилояти | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 72 |
| 79 | 398 039,87 | Навоий вилояти | Навоий | 06-ЖК | 20606931-22 |
| 80 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Мехнат | 18-ЖК | 20606931-6 |
| 81 | 398 039,87 | Тошкент шаҳар | Мехнат | 05-ЖК | 20606931-7 |
| 82 | 338 333,89 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | 01-ЖК | 20606931-18 |
| 83 | 338 333,89 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-135 |
| 84 | 338 333,89 | Тошкент шаҳар | Шайхонтоҳур | 25-ЖК | 20606931-3 |
| 85 | 338 333,89 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 183 |
| 86 | 338 333,89 | Тошкент шаҳар | Миробод | 05-ЖК | 20606931-6 |
| 87 | 338 333,89 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606931-186 |
| 88 | 338 333,89 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-118 |
| 89 | 338 333,89 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 512 |
| 90 | 338 333,89 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | 02-ЖК | 20606931-159 |
| 91 | 338 333,89 | Тошкент шаҳар | Яккасарой | 05-ЖК | 20606931-3 |
| 92 | 338 333,89 | Фарғона вилоят | Фарғона филиали | 02-ЖК | 20606931-14 |
| 93 | 338 333,89 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 42 |
| 94 | 338 333,89 | Тошкент шаҳар | Чилонзор | 12-ЖК | 20606931-1 |
| 95 | 338 333,89 | Наманган вилояти | Наманган | 07-ЖК | 20606931-7 |
| 96 | 338 333,89 | Тошкент вилояти | Бекобод | 10-ЖК | 20606931-59 |
| 97 | 338 333,89 | Тошкент шаҳар | Амалиёт | 01-ЖК | 20606931- 100 |
| 98 | 338 333,89 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-121 |
| 99 | 338 333,89 | Бухоро вилояти | Бухоро | 05-ЖК | 20606931-393 |
| 100 | 338 333,89 | Тошкент шаҳар | Яккасарой | 12-ЖК | 20606931-1 |
| 101 | 338 333,89 | Тошкент шаҳар | Шайхонтоҳур | 30-ЖК | 20606931-2 |

***Изоҳ:** «Супер ютуқ» ютуқли омонати бўйича ютуқ соҳиблари ютуқларини олишлари учун Ипотека банкнинг омонат ҳисобвараги очилган муассасаларига мурожаат қилишлари ва белгиланган тартибда олишлари мумкин.*

**Маълумот учун тел. 150-89-17, 150-89-57**

**Хизматлар лицензияланган.**



## ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

*Барча юртдошларимизни ва тиббиёт аҳлини энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи билан табриклайди. Бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ҳамда тинчлик-хотиржамлик ҳеч қачон оилаларимизни тарк этмасин. Дунё ҳамжамияти орасида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бораётган Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига фидокорона меҳнатимиз билан хизмат қилишда чарчамайлик.*





## НЕФТ-ГАЗ ВА ГЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

25

Халқимиз ва соҳада хизмат қилаётган ҳамкасбларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг чорак асрлик улуғ айёми билан қутлайди! Ватан равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган инсонларга улкан муваффақиятлар, хонадонларига тинчлик- хотиржамлик, оилавий бахт ҳамда сиҳат-саломатлик тилаймиз. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик абадий бўлсин!





## МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Она диёримиз аҳлини Истиқлолнинг 25 йиллик шонли тўйи билан қизғин қутлайди. Ҳар бирингизни мустаҳкам соғлик, байрамона кайфият асло тарк этмасин! Осуда ҳаётимизга кўз тегмасин!



## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

*Ўзбекистонимизнинг алоқа соҳасида хизмат қилаётган барча фидойи инсонларини ва азиз юртдошларимизни истиқлолимизнинг 25 йиллик тўйи билан самимий қутлайди. Ўз мустақиллиги ва тараққиётини мустаҳкамлашда катта ютуқларни қўлга киритаётган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин! Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!*



25

## ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Мамлакатимизнинг кечасидан бугуни,
бугунидан эртаси порлоқ.
Ҳали олдинда улкан бунёдкорлик
ишлари турибди.
Ушбу эзгу орзу-ниятларни
рўёбга чиқаришда сизларга
матонат, куч-қувват, хушкайфият,
оилавий бахт-саодат ва
муваффақиятлар тилаймиз!
Ватанимизга меҳр-муҳаббат,
истиқлолга садоқат,
бир-биримизга бўлган оқибат ҳисси
қалбларимизни тарк этмасин!
Улуғ байрам қутлуғ бўлсин, азизлар!



## АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Халқимиз дастурхони тўкин бўлишига муносиб ҳисса қўшаётган соҳа ходимлари ва азиз юртдошларимизни катта тантана – Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан самимий қутлайди! Юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларида ватандошларимизга мустаҳкам соғлик, байрамона кайфият, дастурхонларига тўкинлик тилаймиз!





## «ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Барча ватандошларимиз
ва соҳа ходимларини
Ўзбекистон Республикаси
Давлат мустақиллигининг
25 ЙИЛЛИГИ
билан муборакбод этади.
Энг улуғ, энг азиз
байрам кунларида
бунёдкор
халқимизга
сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, хонадонларга
файзу барака тилаймиз!




## ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ БУВАЙДА ТУМАН КЕНГАШИ

*Барча юртдошларимизни, соҳа ходимларини Мустақилликнинг 25 йиллик айёми билан муборакбод этади!*
*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!*





GM Uzbekistan

# «GM Uzbekistan»

қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Ўзбекистон халқини, барча автомобилсозларни энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан самимий қутлайди.*

**Хонадонингизга файз-барака, тинчлик-хотиржамлик тилайди. Гулла, яшна ҳур Ўзбекистоним!**



# «ЗОМИН САНАТОРИЙСИ» МЧЖ ЖАМОАСИ

25

*Истиқболи порлоқ мамлакатимиз аҳолисини, жумладан, ҳамкасбларимизни улкан шодиёна, энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Барча-барчага соғлик, ишларида муваффақият, оилавий бахт ва фаровонлик тилаймиз. Ҳаётимиз осуда, осмонимиз мусаффо бўлсин!*



# «ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АЖ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

**Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган корхонамиз ишчи-хизматчиларини, серқуёш юртимизнинг барча аҳолисини қутлуғ шодиёна, энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 25 йиллиги билан чин дилдан табриклайди!**

*Байрам шукуҳи кезиб юрган файзли кунларда сиз азизларга тансиҳатлик, оилавий тотувлик ва бахт тилаймиз. Юрт равнақига муносиб улуш қўшиш саодати ҳар биримизни янги зафарларга чорлайверсин!*





**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Navoiy** — (+998-93) 314-13-03
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-91) 233-69-07
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**
A.Abdullayev
**Navbatchi:**
J.Ergashev
**Musahhih:**
S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:**
H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:00**
Topshirildi — **01:35**

1 2 3 4 5 6.

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**

**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 3 bosma taboq.
Buyurtma Г — 815.
14176 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

**Тахририят ҳисоб рақами:**
**2021 0000 0004 3052 7001,**
**АТИБ «Ипотека банк» Яшнобод филиали,**
**банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100**